



Зухра АРИПОВА,
“Араб тили ва адабиёти
Ал-Азҳар” кафедраси мудири,
тарих фанлари номзоди, доцент



МИСР МАМЛУКЛАРИ ДАВРИ АДАБИЁТИДА СЎФИЙЛИК МОТИВЛАРИ

Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради.

Маълумки, мамлуклар сулоласи ҳукмронлиги даврида Қоҳирада “Ҳадиқат ул-Ўзбекия”, яъни “Ўзбеклар боғи” деб номланган илк боғ ташкил этилган. Вақт ўтиши билан боғ ва унинг атрофидаги ҳудудлар шу номни олиб, бугунги кунда ҳам айнан мана шу ном билан машҳурдир.

Мисрда мамлуклар томонидан бошқарилган давр – 1250 – 1517 йилларни олсак, бу ҳукмронлик икки – баҳрийлар (1250 – 1382) ва буржийлар (черкеслар) (1382 – 1517) бошқарган даврни ўз ичига олади. Биринчи даврдаги мамлуклар – Мовароуннаҳрдан келтирилган қуллар, кейинчалик султон даражасига кўтарилиб, Мисрда ҳаттоки, ўзларининг она тили – туркий тилларини сақлаб қолишга муяссар бўлишган.

XIII – XV асрлар Мисрда ҳукм сурган мамлуклар давридаги адабиёт араб адабиёти тарихида муҳим босқични ташкил қилади ва ёрқин ижодиётга бой. Айни шу даврда шеърятда янги жанрлар ва шакллар пайдо бўлди, энциклопедиялар яратиш ҳаракати ривожланиб кетди, машҳур араб эртаклари ва сиралар маромига етказилиб филологлар томонидан ёзиб олинди, шеърятда сўфийлик мотивлари шаклланди.

Инглиз шарқшуноси Х.Гибб ўрта аср араб адабиётини даврлаштиришда 1258 – 1800 йиллар даврини “Мамлуклар даври адабиёти” деб кўрсатади¹, ваҳоланки “Мамлуклар даври” 1250 йилдан то 1517 йилгача Миср ва Суриядо давом этган, сўнг бу минтақа 1517 йили Усмонли турклар томонидан босиб олинган ва Усмонийлар империясининг бир қолоқ вилоятига айланган.

Немис арабшуноси К.Брокельман бу масалага аниқроқ ёндашади ва кеч ўрта асрлар адабиётини тарихий воқеалар билан боғлаб икки даврга бўлади:

1. Мўғуллар томонидан Бағдод забт этилишидан (1258) то Усмоний турклар Мисрга бостириб кириши (1517), яъни мамлук султонлари даври²;

2. Усмоний туркларнинг босқинидан (1517) то 1798 йил Бонапартнинг армияси Мисрга бостириб киришигача бўлган давр.

Аммо олим маданий ҳаёт жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи бу икки босқич адабиётига “таназзулга юз тутган” деб бир хил умумий баҳо беради.

Француз шарқшуноси Р.Блашэр бу даврдаги адабиётни беш аср маданий марказ бўлган

¹ Гибб Х.А. Арабская литература. Классический период. Из-во Восточной литературы. М. 1960., 99 б.

² Фильштинский И.М. Вопросы периодизации средневековой арабской литературы. В. Сб. «Проблемы периодизации истории литератур народов Востока». Из-во «Наука», М.1968, 277стр.

Бағдод вайрон бўлгандан кейин маданият маркази Мисрга кўчиб ўтиши, бу ерда янги адабий шакллар пайдо бўлиши, умуман жамиятда сезиларли ўзгаришлар кузатилганлигига ишора қилиб шундай ёзади: “Аммо VII ҳижрий/XIII милодий асрдан бошлаб маданиятнинг асосий ўчоғи империя пойтахти деб эълон қилинган Қоҳирага кўчди ва натижада икки асрдан кўпроқ муддат давомида у ўз зиммасига ана шу шарафли, бироқ анча оғир ва масъулиятли вазифани олди”³.

Ўрта аср тарихчиси ал-Мақризий “Замонамиздаги одамлар турклар давридан бошлаб Миср ва Шомга ҳукмронлик икки қисмга бўлиниб, биринчи тоифа шаръий бўйича, иккинчиси эса, сиёсий бўйича бошқарув амалга оширганини кўришганини биламан”, – деб ёзади⁴. Бу келтирилган далил билан Мисрда ҳокимият иккига бўлинганига ишора қилади. Шаръий кўриниши ислом дини ва шариат асосида қурилган. Дунёвий илм ишлаб чиқилган қонунларга, шаръий эса бошқарув сиёсатига суянган. Мамлук султонлари ўтказадиган тadbирлар шаръий аҳкомларга асосланганди.

Бу даврда ҳукмрон мамлуклар табақаси ҳанафий мазҳабида, авом халқ эса асосан шофеъийликда бўлган. Маълумки, ҳанафий мазҳаби мураккаб мантикий таҳлилни талаб қилади. Моликий мазҳаби эса Мадина фикҳий мактабининг ҳуқуқий мажмуасини тўлиқ билишни талаб қилади. Таъбир жоиз бўлса, шофеъийлик шу икки мазҳаб оралиғидадир. Мамлуклар мадрасада ҳам диний, ҳам ҳарбий пухта таълим олганлари учун имтиёз сифатида ўз мазҳабларида маҳкам турдилар.

Биз ўрганаётган даврда тасаввуф ҳаракати жуда тез тарқалди. Бунга сабаб: ислом оламида турли сиёсий ва диний можаролар авжига чиққан эди, бир томондан Аббосий халифалар билан расман уларга тобе бўлган султонликлар ўртасидаги ихтилофлар, Аббосий халифаларнинг Бағдоддаги фаолиятлари Қоҳирага кўчирилиши ва мамлук султонлари уларга нисбатан оддий ходим сифатида қарашлари, иккинчи томондан мазҳаблар орасидаги тортишувлар ва фақиҳлар билан файласуфлар

ўртасидаги келишмовчиликлар давом этаётгани эди. Шундай бир тўполон даврда у ёки бу томонга мансуб кишилар ўз фикрларининг ҳақлигини исботлаш учун асарлар ёзардилар. Бу эса илмий соҳа ривожланишига йўл очди. Ана шундай жанжал ва тўполонлардан безовта-беҳузур бўлган мусулмонлар мазкур ихтилофларга аралашмаётган ва охират саодатини мақсад қилган тасаввуф таълимотига майл этишни афзал кўрдилар. Шу сабабли суфийларга ўз фикрларини янада кенгроқ ёйиш учун фурсат топилди. Мазҳаб тортишувларидан узоқда турган сўфийлар, айни вақтда султонлар ва давлат арбобларининг ҳам ҳурмат-эътиборини қозондилар. Ўша пайтга қадар кўпчилик тасаввуфдан қочар, сўфийлардан нафратланар, уларни қаттиқ қоралар ва тасаввуфга шубҳа билан қарар эдилар. Қисқаси, тасаввуфга бир нави Қуръон ва суннатдан узоқлашган динсизлик сифатида боқар эдилар. Албатта, бунга баъзи сохта сўфийларнинг шариатдан четлашувлари, тасаввуфга ташқаридан кириб қолган бегона фикрлар ва шиа билан ботиний эътиқодларнинг роли ҳам бор эди. Ана шундай даврда сўфийларнинг асарлари тасаввуфга нисбатан бўлаётган салбий муносабатларни бартараф этишга катта ҳисса қўшди. Шундай қилиб, тасаввуф – сунний исломнинг ўз аслига том маънода мувофиқ бир илмий тушунча, таълимот ва ҳаёт тарзи деб тан олинди.

Сўфийлик мусулмонлар маънавий ҳаётининг барча жабҳаларига – фалсафа, шеърят, ахлоқ ва сиёсатга ғоят катта таъсир кўрсатди. У омма устидан улкан ҳокимликка эришди ва унинг куч-ғайратини салбчилар ва мўғулларга қарши курашларида моҳирлик билан йўналтириб турди.

Мамлуклар даврида фикҳ ва ҳадисга оид асарлардан: Соғутийнинг “*Машориқ ул-анвар*”, Боғавийнинг “*Масобиҳ ус-сунна*”, Ибн ал-Асирнинг “*Жоме‘ ул-усул*”, Ибн Салоҳнинг “*Улум ал-ҳадис*”, Нававийнинг мухтасар “*Ат-Тақриб*” ва “*ат-Тайсир*” асарларини келтириб ўтишимиз мумкин. Юқоридаги китоблар бу давр илмий салоҳиятига катта таъсир кўрсатган.

Ушбу давр олимларидан Қуръон ва тафсир илмига катта ҳисса қўшган ‘Азз ад-дин ибн ‘Абд ас-Салом (1182-1262) машҳур асари “*ал-Ишора илал-ижоз фий ба‘д анво‘ил-мажоз*”⁵ ҳамда Қоҳиранинг дастлаб ал-‘Ашу-

³ Блашэр Р. Некоторые соображения по поводу форм, присущих энциклопедизму в Египте и Сирии в период с VIII/XIV по IX/XV в. В сб. «Арабская средневековая культура и литература» Из-во «Наука». М. 1978. 77 стр.

⁴ Мақризий. ал-Хутат. Ж.1. – Б.220.

⁵ Салом . Ал-адаб – Б.137

риййаси, сўнг ал-Азҳар университетида таълим олган солиҳ, зоҳид киши Жалол ад-дин Муҳаммад ибн Сулаймон ас-Суйутий (в.1299) 50 жилддан иборат “Асбоб-ал-нузул” асарида кироат, иъроб, тил, ҳақойиқ, ботин илми каби-лар ҳақида қалам тебратган.

Тафсир илми имоми Абу ‘Аббос Аҳмад ибн Юсуф Ал-Кавошийнинг катта ва кичик икки тафсири бор. Асли Андалусиялик, сўнг-ра Қоҳирада яшаган муфассир ва наҳвшунос олим Абу Ҳаййон Асир ад-диннинг тафсири мавжуд⁶.

Келиб чиқиши мисрлик Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Алий ат-Тавризий (1218-1287) Бағдод, Шом ва Мисрда ҳадислар эшитган, ҳадис ва тасаввуф бўйича ижод қилган.

Тож ад-дин Абу ал-Ҳусайн ‘Али ибн Аҳмад ибн ‘Али ал-Қустлоний (1192-1267) жуда кўп ҳадислар эшитган, замонасининг комил шайхларидан эди⁷. ‘Абд ал-Му‘мин ибн Халаф ад-Димятий 1217 йилда Димят шаҳри яқинидаги қишлоқда туғилган. Ундан Миср, Макка, Ҳалаб, Дамашқ, Ироқ халқи ҳадиси шарифларни эшитиб баҳраманд бўлган⁸. У аз-Зоҳирия муҳаддисларидан эди. У ҳақида ас-Субкий “У замонасининг ҳофизу Қуръони, катта устозлардан, ҳадис аҳлининг имоми, фикҳ илмининг билимдони”, – деганди. Унга Мисрда пайғамбаримиз суннасининг ходими лақаби берилган. Унинг шогирдлари ал-Қунувий, Муҳи-д-дин ан-Нувий, Абу Ҳаййон, Токий ад-дин ас-Субкий, ал-Барзолий ва ҳофизлардан аз-Заҳабий, ал-Йунинийлар. Унинг тил ва ҳадисга оид 20 жилдлик асари мавжуд бўлиб, уни жамлаб тўртта катта муъжам ҳолига келтирилган⁹. Муҳаддис Хаттоб ал-Боғий (1234-1315)нинг фикҳ ва ҳадисга оид таснифларидан “ал-Муҳаррир”, “Улум ал-ҳадис” “Маҳсул фи усул ал-фикҳ”, “Ал-арба ‘ин” мавжуд¹⁰.

Ибн Қаймоз аз-Заҳабий (1275-1348) ҳадис илми ва ислом тарихи устида изланишлар олиб борган, муҳаддислар ҳақида маълумотларни жамлаб, кўпгина мухтасарлар ёзган бўлиб, унинг “Табақот ал-ҳуффо”з”, “Мийзон

ал-и‘тидол фи нақд ар-рижол” ҳамда катта ва кичик муъжами бор. У Қоҳирадаги Нафиса мадрасасида ҳадис илмидан таълим берган¹¹.

Ибн Мунир ал-Мисрий (в.1335) тарихчи, ҳофизу Қуръон бўлган, унинг Миср тарихига оид бир неча асарлари ва Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ ал-Бухорий” га шарҳи мавжуд¹².

Юқорида келтириб ўтганимиздек, бу даврда фикҳ ва ҳадис илми ривожига ҳисса қўшган олимлар кўпчиликини ташкил қилган. Бунинг учун қатор мадраса, жомеълар фаолият олиб борган. Нафақат Мисрда, балки Дамашқда ҳам машҳур мактаблар Мусо ибн ал-‘Одил Айюбий қурдирган “Дор ал-ҳадис аз-Зоҳириййа” ва “Дор ал-ҳадис ал-Ашрафиййа” фаолият олиб борган. Дамашқдаги “ал-Умавия ал-кабир” университетида катта уламолар илму фан соҳаларида фикр алмашишган ва унда мазҳабдан қатъи назар олимлар ишлаган.

Бу даврда сўфий шоирлар ҳам асарлар битишган. Уларнинг уч тоифаси мавжуд бўлиб, биринчи тоифа *фанний*, унинг вакиллари аш-Шаштарий (1270), Муҳаммад ибн ‘Абд ал-Мун‘ам ал-Ҳаймий (в.1286), Муҳаммад ибн Исро‘ил (в. 1279), Афиф ад-дин ат-Талмусоний (в.1291), иккинчи тоифа эса *ғоявий*, унинг вакиллари: Муҳаммад ибн Са‘ид Бусирий (1213-1296), Токий ад-дин ас-Саружий (в.1391), учинчи тоифа вакиллари ал-‘Ажамий (в.1375), ‘Умар ибн ал-Форид¹³.

Лекин мамлуклар даврида баъзи шайхлар ёки жуда кўп муридликни даъво қилувчилар шаръий илмлардан беҳабар ёки оз хабардор бўлганлари учун тасаввуфга доғ туширганлар.

Шариат билан тариқат орасидаги алоқа иккиси бир-бирини тўлдиради. Улар орасида ихтилоф бўлиши мутлақо мумкин эмас. Агар баъзи бир гаплар чиққан бўлса икки тарафнинг ўзи ҳам танқид қиладиган, Қуръон ва Суннатдан ташқаридан олинган нарсалар ҳақида бўлиши мумкин.

Аш-Ша‘роний фақиҳларни қоралаб, қонунга нисбатан карликда айблаган. У Қуръони каримдан оятлар келтириб, фақиҳларни унинг маъносини илғамайдиган, китобларга мук-

⁶ Ибн Ийос. Китоб тарих Миср. Ж.7. – Б. 349.

⁷ Ибн Ийос. Китоб тарих Миср. Ж.7. – Б. 373.

⁸ Ўша жойда. – Б.23.

⁹ Ваққод. Ат-Табақот аш-ша‘биййа. – Б. 102.

¹⁰ Ибн Ийос. Китоб тарих Миср. Ж.7. – Б. 374.

¹¹ Салом. Ал-адаб. – Б.142-143.

¹² Ибн Ийос. Китоб тарих Миср. Ж.9. – Б. 306.

¹³ Салом. Ал-адаб. Ж.1. – Б. 233.

ка кетган эшакка қиёслаган¹⁴. У тариқатлар ҳамда уларнинг шайхлари Миср жамиятида ўзига хос ўрин эгаллаганини таъкидлаб ўтади. Аш-Ша'роний оддий халқ номидан усмонийларнинг 1517 йилдаги ғалабалари ҳамда уларга қарамликда асосий айбдорлар деб, юқори мансабларни эгаллаган олимларни айблайди. Унинг фикрича, улар одамларнинг руҳий қувончидан маҳрум қилдилар.

Мамлук султонлари тасаввуфга ва сўфийларга нисбатан эҳтиром кўрсатганлар. Умуман омманинг фикри ва қараши ижобий эди. Султон Зоҳир Байбарс ҳам унинг вакиллари-ни ҳурмат қилиб расмий кечаларда ҳузурига чақирган. Айниқса замондоши Саййид Аҳмад Бадавий таълимотларига нисбатан қараши кучли эди. Султон Ложин фақирларни яхши кўриб, улардан шайх Муҳаммад ибн Мас'уд ас-суфий билан “*Са'ид ас-су'адо*” хонақоҳи работида дастурхон атрофида йиғилиб ўтиришган.

Дин арбоблари мамлук султонларини сўфийларга жуда кўп эътибор беришда, ҳурмат кўрсатишда айблашган.

Сўфийлар ҳақиқий инсон ўрнида туриши лозим. Инсонларни севиш, уларнинг хизматида бўлиш, айна ҳолда худонинг борлиги ва бирлигини унутмаслик сўфийларнинг асосий ақида-сидир.

Тасаввуф таълимоти ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, инсонлараро келишмовчилик ва нотинчликка қарши туриб, одамлараро аҳиллик ва бирдам бўлиб яшашни тавсия қилади, уруш ва қўзғолонларни қоралаб, барча инсониятни севиш ғоясини талқин этади. У ўз дастурлари орқали тасаввуф таълимотини ислом шариати билан мослаштирди ва буни ўз бурчи деб ҳисоблади.

Тасаввуф борасида ўрта аср тарихчиси Ибн Халдун “Муқаддима” асарида қуйидагича эътироф этган: “Бу илм ислом жамиятида пайдо бўлган шаръий илмлардандир. Унинг асли будир: тасаввуф аҳлининг йўли саҳоба

ва тобеиндан бўлган салафлар назарида ҳақ ва ҳидоят йўли эди. Тасаввуф йўлининг асоси дунёнинг зеб-зийнатию гўзалликларидан юз ўгирмоқ, ўткинчи дунёнинг завқларидан кўнгилни айириб, Ҳаққа йўналмоқ ва тоат-ибодатга астойдил бел боғламоқдир”¹⁵. Ҳижрий II асрдан бошлаб мусулмонлар орасида дунё севгиси кучайиб кетгач, тоат-ибодатга берилган тоифаси сўфий ва мутасаввиф исмлари билан танилдилар. Улар чиройли либослар киймай, суф¹⁶ кийиб, дунёпарастларга зид иш қилганлар. Бу ҳақида яна Ибн Халдун қуйидагича ёзади: “Сўфийлар зухд, узлат, ибодат ва тоатга берилгач, ўзларига хос важд (жўшиш) ва бошқа ҳолларга эга бўлдилар. Бунинг сабаби ва ҳикмати эса бундай: инсонни бошқа жониворлардан ажратиб турувчи жиҳат – ақлу идрок эгаси эканлиги. Идрок икки хил: биринчиси илму маърифатли идрок бўлиб, яқин, гумон, шубҳа ва ваҳимадан иборат. Иккинчиси эса, роҳат-фароғат, ғам-ташвиш, қабз, баст, ризо, ғазаб, шукр ва сабр каби ўзи билан қоим бўлган ҳолларни идрок этишдир. Булар имоннинг фарқли сифатлари бўлиб, бир-бирига таъсир қилади. Ғам чекадиган ва хурсанд бўладиган нарсани идрок этишдан ғамгинлик ва шодлик ҳосил бўлади. Муриднинг ҳоли ҳам мужоҳада ва ибодатида ана шундай. Муриднинг ҳар мужоҳадаси оқибатида бир ҳол зуҳур этиши зарур”¹⁷.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлуклар даврида сўфийликнинг Мисрда тарқалиши ижтимоий ҳаётга жиддий таъсир кўрсатган. У фалсафа, шеърят, ахлоқ ва сиёсат каби мусулмонлар маънавий ҳаётининг барча жабҳаларига катта таъсир кўрсатди. Сўфийлик омма устидан улкан ҳокимликка эришди ва унинг куч-ғайратини салбчилар ва мўғулларга қарши курашга моҳирлик билан йўналтирди.

¹⁵ Ибн Халдун. Муқаддима. — Байрут: Дор ал-авда, 1980.; — Б.328-333. (Бундан кейин: Ибн Халдун. Муқаддима)

¹⁶ суф – жун.

¹⁷ Ўша манба, ўша бетлар.

¹⁴ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе/ Перевод с англ. А.А.Ставиской, под. ред. и предисл. О.Ф.Акимускина. — М.: Наука, 1989. — Б. 180-181. (Бундан кейин: Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены.)